

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАБИИЁТ-ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

**5440500 - «География» таълим йўналиши
09.433-гуруҳ битирувчиси**

Ортиқова Гуллола Ғанижоновна

**"Жаҳон мамлакатларида пахтачиликнинг жойланиши ва
ривожланиши ҳудудий жиҳатлари"**

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар: география кафедраси
ўқитувчиси Ҳ.Джўрабоева**

Фарғона - 2013

Битирув малакавий иш кафедранинг 2013 йил 6 майдаги 9 А – сонли
йиғилишида муҳокама қилинган ва химояга тавсия этилган

Кафедра мудири: О.Абдуғаниев, география фанлари номзоди, доцент

Такризчи: Д.Холдоров, “Тупроқшунослик” кафедраси
доценти, биология фанлари номзоди.

О.Абдуғаниев, география фанлари номзоди, доцент

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	3
I-боб	Пахтачиликнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни ва аҳамияти.....	5
1.1	Пахтачиликнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни ва аҳамияти.....	5
1.2	Вўза ўсимлигининг биологик хусусиятлари, турлари ва географик тарқалиши.....	12
II-боб	Жаҳон мамлакатларида пахтачиликнинг жойланиши ва ривожланишини ҳудудий жиҳатлари	21
2.1	Жаҳон мамлакатларида пахтачиликнинг ривожланиш тарихи.....	21
2.2	Жаҳон мамлакатларида пахтачиликнинг жойланишини ҳудудий жиҳатлари.....	25
III-боб	Ўзбекистонда пахтачиликнинг жойланиши ва ривожланиш хусусиятлари.....	34
3.1.	Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиш тарихи ва пахта якка ҳокимлигининг оқибатлари.....	34
3.2	Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиш истиқболлари.....	42
	Хулоса.....	52
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	54

КИРИШ.

Муаммонинг долзарблиги. Толали техника экинларидан энг кенг тарқалгани ва катта аҳамиятга эга бўлгани ғўза экинидир. Жаҳон хўжалигида пахта хом ашё сифатида кенг миқёсда ва турли мақсадларда фойдаланилади. Иқтисодиётнинг ҳеч бир тармоғи йўқки, пахтачилик ва унинг маҳсулотларидан фойдаланмасин.

Пахтачилик саноат учун хом ашё, аҳоли учун озиқ-овқат, чорва моллари учун эса озуқа етказиб беради. Ғўза қисмларидан биронтаси ҳам чиқитга чиқарилмайди. Унинг баргидан тортиб, пояси ва ҳатто илдизидан ҳам саноатда фойдаланиш мумкин. Ғўзанинг барги, пояси ва пўстлоғидан 100 дан ортиқ, пахта толасидан 50 га яқин, чигитидан 50 га яқин, умуман, 200-250 хилгача кенг истеъмол моллари ва техникабоп маҳсулотлар олинади.

Саноатда пахта толасидан ҳар хил газламалар, ип, арқон, балиқ овлаш тўри, транспортер лентаси, фланел, оловга чидамли, сув юқмайдиган, бактерицид, кислотага чидамли, кирза материаллари, момиқ, линт олинади. Бундан ташқари олий сифатли ёзув қоғозлари, фото ва киноплёнкалар, сунъий шойи, целюлоза, парашют иплари, автомобил шинаси учун корд иплари, синмайдиган ойна, порох, фитин, ўт ўчириш шланги, сунъий чарм, электр изоляция материаллари, картон, фибра, пентозан ва бошқалар ишлаб чиқарилади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси пахта хом-ашёси ишлаб чиқариш бўйича дунёда олтинчи ўринда, толани экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради. Мамлакатимизда ҳар йили 1,3-1,4 минг гектар ерга пахта экилади ва 3,4-3,5 минг тонна ялпи ҳосил йиғиб олинади.

Республикаимизнинг иқтисодий қудрати, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ўртасидаги сиёсий мавқеи кўп жиҳатдан пахтачиликнинг ривожланишига боғлиқ. Республикаимиз Франция, Германия, Россия, Италия, Гооландия каби кўпгина илғор мамлакатлар билан олиб бориладиган

иқтисодий алоқаларида пахта хом ашёси экспорт қилинадиган товар маҳсулоти бўлиб хизмат қилади.

Яқин ўтмишда ҳукмрон бўлган хом ашё етиштиришга йўналтирилган аграр сиёсат ва унинг оқибатида пахта якка ҳокимлигининг вужудга келтирилиши натижасида юз берган қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигининг пасайиши, мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, шўрланган майдонларнинг кенгайиб бориши каби муаммоларни келтириб чиқарди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, пахта сиёсати тубдан ўзгарди. Пахта якка ҳокимлигига барҳам берилди. Пахтачилик билан бир қаторда ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик каби соҳаларни ҳам жадал ривожланиш имкониятлари яратилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахтачилик йўналишида кўплаб адабиётлар чоп этилган бўлиб, уларда ушбу соҳанинг мамлакатимиз миллий иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти, ғўза ўсимлигининг турлари, биологик, морфологик ва бошқа хусусиятлари атрофлича ёритиб берилган. Бундан ташқари, Совет ҳукмронлиги даврида Ўзбекистоннинг пахта хом ашё базасига айлантирилиши ва унинг деҳқонлар ҳаётига салбий таъсири тарих фанига кўплаб доир адабиётларда ҳамда тадиқот ишларида ўз аксини топган.

Бироқ, пахтачиликнинг жаҳон мамлакатларида жойланиши ва ривожланишининг географик жиҳатларини ўрганишга кам эътибор қаратилган. Шунинг учун мазкур ишда жаҳон мамлакатларида пахтачиликнинг жойланиши ва ривожланишини ҳудудий жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қилинди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Мазкур ишнинг тадқиқот объекти сифатида қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоларидан бири бўлган пахтачилик танланган бўлиб, унинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни ва ривожлантириш истиқболларини таҳлил қилиш ишнинг предмети белгилайди.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу битирув малакавий ишнинг мақсади, жаҳон мамлакатларида пахтачиликнинг жойланиши ва ривожланишини ҳудудий жиҳатларини ўрганиш бўлиб, қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Пахтачиликнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни ва аҳамиятини атрофлича ёритиб бериш;
- Ёўза ўсимлигининг биологик хусусиятлари, турлари ва географик тарқалишини тушунтириш;
- Жаҳон мамлакатларида пахтачиликнинг ривожланиш тарихи ва ҳудудий жойланиш хусусиятларини тушунтириш;
- Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиш тарихи ва пахта якка ҳокимлигининг оқибатларини ўрганиш;
- Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиш истиқболларини ўрганиш.

БМИнинг таркибий тузилиши. Мазкур битирув – малакавий иш кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ишнинг кириш қисмида БМИ мавзусининг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, амалий аҳамияти ёритилган.

БМИнинг матн қисми 55 бетдан иборат бўлиб, мавзуга оид жадвал, схема, диаграмма, график ва расмлар келтирилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида 22 та манба қайд этилган.

I-БОБ. Пахтачиликнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни ва аҳамияти

1.1 Пахтачиликнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни ва аҳамияти.

Вўзанинг халқ хўжалигидаги аҳамияти бениҳоядир. Чунки ғўза ёки унинг маҳсулотидан тайёрланган буюмлар у ёки бу миқдорда ишлатилмайдиган хўжалик тармоғи бўлмаса керак. Маълумотларга қараганда, ҳар бир киши бир йилда 10кг яқин пахтадан ишлаб чиқилган маҳсулотни ишлатади.

Вўза асосан толаси учун ўстирилади. Лекин бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан фарқ қилиб, бир йўла уч турдаги қимматли маҳсулот, яъни тўқимачилик учун хом ашё, озиқ овқат учун – мой ҳамда чорва учун ем-озуқа беради.

Пахта хом-ашёсидан 30-35 фоиз тола, (3500 м² газлама) 60-65 фоиз чигит, 5-10 фоиз ҳар хил чиқитлар олинади. Пахта толаси тўқимачилик саноатида қайта ишланиб, аҳоли учун энг экологик тоза бўлган кийим-кечак, ҳарбий соҳа, космановтика ва саноат учун сифатли маҳсулотлар олинади. Чигитдан мой, чорвачилик учун 40-45 фоиз шелуха, 30-35 фоиз кунжара ва бундан ташқари совун, вазелин, атир-упа сингари юздан зиёд турли туман парфюмерия маҳсулотлари олиш мумкин.

Пахта толаси универсал хом ашё берувчи табиий толалар гуруҳига киради. Пахта толасига хос бўлган хусусиятлар сунъий толаларда учрамайди. Тола спираль шаклда эластик, яъни чўзилувчан бўлгани учун бир-бирига яхши илашади ва мустаҳкам ип беради.

Саноатда пахта толасидан ҳар хил газламалар, ип, арқон, балиқ овлаш тўри, транспортер лентаси, фланел, оловга чидамли, сув юқмайдиган, бактерицид, кислотага чидамли, кирза материаллари, момик, линт олинади. Бундан ташқари, олий сифатли ёзув қоғозлари, фото ва киноплёнкалар, сунъий шойи, целюлоза, парашют иплари, автомобил шинаси учун корд иплари, синмайдиган ойна, порох, фитин, ўт ўчириш шланги, сунъий чарм,

электр изоляция материаллари, картон, фибра, пентозан ва бошқалар ишлаб чиқарилади.

Дунё миқёсида тўқимачилик толаси ишлаб чиқаришда пахтанинг улуши 50-60%ни ташкил этади.

Пахта толасидан асосан ип йиғирилади, ундан тўқимачилик буюмлари, кийим ва гигроскопик пахта тайёрланади. Пахтадан ажратиб олинadиган узун толалардан энг қимматбаҳо газламалар (батист, сатин) ишлаб чиқарилади. Нисбатан калта толалардан эса одеял, сочик, дастурхон матоси ва бошқалар тўқишда фойдаланилади.

Чигитнинг мағзи таркибида госсипол пигменти (заҳарли органик бирикма) бўлиб, мой олиш жараёнида ажратиб олинади ва ундан ҳам ҳар хил синтетик моддалар ишлаб чиқарилади. Ажратиб олинган госсипол кўнчилик саноатида терини ошлаш, шунингдек, кимё саноатида иссиқликка чидамли полимерлар тайёрлашда ва дориворлар ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Чигитдан пресслаш ва эксракция қилиш йўли билан пахта мойи олинади. Пахта мойи озиқ-овқат сифатида ҳамда техник мақсадларда ишлатилади. Ундан алиф, лак, эмаль ва бошқа хил буюмлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Бундан ташқари, маргарин, кир совун ва атир совунлар, глицерин тайёрлашда ҳам ишлатилади.

Мой олиш саноати чиқити — кунжара бўлиб, бу қорамоллар учун тўйимли концентрат озуқа ҳисобланади. Унинг таркибида 40% оқсил бор. Бундан ташқари, кунжарадан қишлоқ хўжалигида ҳашоратларга қарши заҳарли хўраклар тайёрлашда ҳам ишлатилади. Кунжара таркибидаги азот миқдори юқори бўлганлиги учун органик ўғит сифатида фойдаланиш юқори самара бериши мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистон кимёгарлари кунжара таркибидан оқсил модда ажратиб олиш йўлини ишлаб чиқдилар ва бу оқсилни озиқ-овқат саноатида қўллашни таклиф этмоқдалар.

Мой ишлаб чиқаришдаги энг сўнгги қолдиқ – гудрон (французча “goudron” — қора смола) ҳам фойдаланиш учун халқ хўжалик тармоқларига юборилади.

Чигит пўсти (шелуха) ва шроти чорва молларига озуқа бўлишдан ташқари, ундан саноатда поташ (калий карбонатнинг техник номи), ошловчи моддалар тайёрлашга ҳам сарфланади. Чигит пўчоғидан яқин кунгача фақат чорва молларини боқишда фойдаланнилар эди. Эндиликда ундан саноатда хилма-хил маҳсулотлар олинмоқда: фурфурол, этил спирти, сунъий замша, фетр, текстолит, линолум, ошловчи моддлар, глюкоза, витамин «Е», картон, пластмасса ва бошқалар.

Момиқ пахта кийим-кечак ва бошқа истеъмол буюмларидан ташқари сунъий ипак, пластмасса, лак қоғоз, портловчи моддаларспирт, қоғоз, картон ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳатто ғўза шротидан фитин ва озиқ-овқат оқсили ажратиб олинади.

Ғўза тупидан саноат усулида 100дан ортиқ бирикмалар ажратиб олиш мумкин (1-расм). Баргидан 20 хил органик кислоталар жумладан, қимматли олма ва лимон кислоталари, «Р» витамини, каротин, оқсил ва витаминли ун, оқсил ачитқилари, антибиотиклар, крахмал, арқон, қоғоз, брезент, эмаль, куйиш қолиплари, ацетон, 15 турдаги фенол бирикмалари ва бошқалар. Шунингдек, витаминлар, стимуляторлар, аминокислоталар, микроэлементлар ҳам пахта тозалаш заводларининг чиқитлари таркибида учрайди.

Пахта тозалаш заводларида чигитли пахтадан 34-35% тола, 60-65% чигит, 2,5-3% момиқ, 1,5-2% чиқитлар ажратиб олинади. (2-расм).

Пахта хом ашёси тўқимачилик, ёғ-мой, гидролиз, кимё саноати ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун хом ашё бўлиб хизмат қилади.




1	фланел	18	Қоғоз	35	Нейлон	52	Поливинилванли смола
2	Сочиқбоп газлама	19	Тола	36	Витамин Е	53	Фурфурол
3	Вискоза	20	Чигит	37	Фитин	54	Картон қоғоз
4	Сатин	21	Ацетил целлюлоза	38	Сунъий каучук	55	Фильтр қоғоз
5	Трикотаж	22	Сунъий шойи	39	Каллодий	56	Электр шнури
6	Чит	23	Ацетат шойи	40	Портловчи модда	57	Ёнилғи
7	Ич кийимбоп газлама	24	Сунъий фетр	41	Самолёт лаки	58	Спирт
8	Штапел	25	Синмайдиган ойна	42	Фотоплёнка	59	Углекислота
9	Тукли газлама	26	Линолиум	43	Алиф	60	Поя ва чанок
10	пахта	27	Брезент	44	Стеарин	61	Барг ва пўстлоқ
11	Пух пахта	28	Сунъий чарм	45	Глицирин	62	Кальций оксалат
12	Ип	29	Изолента	46	Мой	63	Смола
13	Калава	30	Картон	47	Совун	64	Лимон кислота
14	Фибра	31	Кунжара	48	Глюкоза	65	Крахмал
15	Целлофан	32	Чигит мағзи	49	Лигнин	66	
16	Шнур	33	Шелуха	50	Вино спирти	67	
17	целлюлоза	34	капрон	51	эндотал		

Бир тонна пахта хом ашёсидан 320-340кг тола, 560-580кг чигит олинади. 340кг толадан ўз навбатида 3500-4000м² газлама ишлаб чиқариш мумкин. 1кг пахта толасидан эса 5м полотно ёки 10-12м чит ёки 20м батис, ёки 140та ип калаваси тайёрланади. 580 кг чигитдан эса 112 кг мой, 10 кг совун, 270кг кунжара 170кг шелуха ва 8кг линт(момик) ишлаб чиқарилади.

Пахта дала ўсимликлари ичида эътибор ва озуқа талаб қилиш бўйича биринчи ўринда туради. Бир тонна пахта хомашёси етиштириш учун 50кг азот, 12-17кг фосфор ва 40-50кг калий ўғитлари керак бўлади. Ёўзанинг сувга бўлган умумий эҳтиёжи эса 1 гектарга 5-8 минг м³ ни ташкил этади.

1.2-расм



Ёўзанинг пояси ва чанокларидан ёқилғи сифатида фойдаланишдан ташқари, қурилиш материаллари тайёрлашда ҳам фойдаланилади. Ундан прессланган ёғочлар, фанерлар, мебел яшаш учун керакли материалаар тайёрланади. Шунингдек, қоғоз, картон, целлюлоза ҳам олинади. Майдаланган ёўза пояси органик ўғит бўлишдан ташқари, уни ферментлаш йўли билан ем-хашакка аралашган ҳолда молларга озуқа сифатида ҳам қўллаш мумкин.

Ёўза ўсимлигининг гуллари кўп миқдорда ўзида шира сақлайди. Шунингучун пахтачилик билан шуғилланувчи хўжаликларда

асаларичиликни ривожлантириш имконияти ҳам катта. асалари бир гектар пахта майдонидан 250-300кг гача асал йиғиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, инсоният томонидан маданийлаштирилган толали техника экинларидан энг кенг тарқалгани ва катта аҳамиятга эга бўлгани ғўза экинидир. Ғўза органларидан бирортаси ҳам чиқит бермайди. Унинг илдизидан тортиб баргигача инсон манфаатлари учун хизмат қилувчи қимматбаҳо экиндир. Ғўзанинг барги, пояси ва пўстлоғидан 100 дан ортиқ, пахта толасидан 50 га яқин, чигитидан 50 га яқин, умуман, 200-250 хилгача кенг истеъмол моллари ва техникабоп маҳсулотлар олинади. Ғўзадан олинadиган маҳсулотлар асосида эса саноат усулида 1200 дан кўпроқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин.



Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, пахтачилик тармоғи айрим мамлакатлар иқтисодиёти ўсишининг муҳим омили ҳисобланади: давлат

бюджетига турли хил солиқларнинг келиши ва бюджетнинг тўпланишига имкон яратади, миллионлаб кишиларни иш ўринлари билан таъминлайди.

Жаҳондаги 84 мамлакатнинг 200 млн кишидан ортиқ аҳолиси пахта етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланади. Шу йўсинда пахта иқтисодиётнинг энг муҳим омили сифатида юзага чиқади.

1.2 Ёўза ўсимлигининг биологик хусусиятлари, турлари ва географик тарқалиши.

Ёўза – Ер шарининг тропик, субтропик ва мўътадил иқлим зоналарининг иссиқ иқлимли ҳудудларида экиладиган маданий ўсимлик. Бу зоналар Ер шарининг кенглик йўналишидаги пахтачилик минтақасини ҳосил қилади. Пахтачилик минтақасининг шимолий чегараси АҚШда 38⁰ шимолий кенгликкача, Ўзбекистон Республикасида 43⁰ шимолий кенгликларда жойлашган. Хитой Халқ Республикасида 44⁰ шимолий кенгликларида ҳам пахта етиштирилади. Ер шари пахтачилик минтақасининг жанубий чегараси эса Австралияда 35⁰ жанубий кенгликкача боради (2.1-расм). Мана шу кенгликдаги 84 та мамлакатда 26-27 миллион гектардан кўпроқ майдонда ёўза ўстирилади ва ҳар йили 20-22 миллион тонна пахта толаси ишлаб чиқарилади.

Ёўза ўсимлиги Ер шарининг тропик минтақасидан, яъни ҳаво ҳарорати +18⁰С дан кам бўлмаган муссон иқлимли шароитдан келиб чиққан бўлиб, унинг Ер юзидаги барча маданий ва ёввойи тур ҳамда навлари «Госсипиум» яъни (лотинча – «Ёўза») авлодига мансубдир.

Бу авлод гулҳайридошлар (Malvaceae) оиласига киради. Бу оилага каноп, дағал каноп, бамия каби луб толали ўсимликлар ҳам киради. Ёўза иссиқсевар ўсимликлар ҳисобланади. Агар бир йиллик ёўзани кузда совук урмаса, у бир неча йил яшаши мумкин.

Ёўза ўз ватанида кўп йиллик дарахтсимон ва бутасимон ўсимлик бўлиб, уларнинг ҳосили кам ва тола сифати паст бўлади. Кўп йиллик ёввойи

ғўзаларнинг бўйи 6-7м, баъзан 10-20м гача ҳам бўлади. Деҳқончиликда эса унинг бир йиллик маданий тур ва навларидан фойдаланилади. Бир йиллик маданий ғўзаларнинг бўйи эса 30-40см дан 2м гача бориши мумкин.

Ғўза кучли ривожланган илдиз тизимига эга бўлиб, у тупроқнинг 2-3 метр қатламигача кириб бора олади. У нисбатан қурғоқчиликка чидамли ўсимлик ҳисобланади. Ер юзида ғўзани табиий ёғин ҳисобига, ёғин ва қисман суғориш ҳисобига ва фақат сунъий суғориш ҳисобига парвариш қилинади. Бизнинг мамлакатимизда ғўза ўсуви даврида ёғин кам бўлганлиги, иқлимни ниҳоятда иссиқ бўлганлиги учун фақат сунъий суғориш ҳисобига етиштирилади.

Ўсимликлар дунёсининг, жумладан ғўзанинг классификациясини ишлаб чиқиш билан олимлар қадим замонларда ҳам шуғулланишган. Жумладан, қадимги грек олимлари Геродот (эрамиздан олдинги V аср), Теофраст (эрамиздан олдинги IV аср), улуғ ватандошимиз Беруний (X аср) асарларида ҳам ғўзага таъриф берилган.

Олимларнинг таъкидлашига кўра, ғўза ўсимлиги авлоди бундан 70-100 миллион йил аввал, бўр даврида вужудга келган. Ер юзида ғўзанинг бири-биридан фарқ қилувчи 3та катта географик гуруппалари мавжуд. Булар Австралия (стуртия), Африка-Осиё (Палеотропик-эугоссипиум) ва Америка (Неотропик-Карпас) гуруҳларидир. Ҳар бир гуруҳдаги ғўзалар ўз навбатида асосий белги ва хусусиятларига караб кичик гуруҳларга бўлинади.

Ўсимликларнинг илмий асосланган дастлабки классификацияси муаллифи, швед олими К. Линней бўлиб, у Госсипиум авлодини 5 турга бўлади. Бунда у табиатда муҳит ўзгариши, инсоннинг фаолияти таъсирида янги формалар ва турлар вужудга келиши, ер юзида тарқалишини ҳисобга олмади.

Илмий жиҳатдан нисбатан мукамалроқ бўлган ғўзанинг ботаник классификацияси рус олими Г.С.Зайцев томонидан тузилди. У ўз классификациясини тузишда тирик ўсимлик билан шуғулланиб, уларни

биологик-физиологик ва цитологик жиҳатдан ўрганди ва ғўза турларини ер юзида тарқалишини инобатга олди. Г.С.Зайцев экиладиган ғўза турларини иккига бўлади: эски дунё ғўзалари ва янги дунё ғўзалари. Буларни ўз навбатида географик тарқалишига қараб яна кичик гуруҳларага бўлади. Ҳозирги кунда Ж. Хатгинсон, Ф.М. Мауер ва А.А. Абдуллаевларнинг классификацияси қабул қилинган.


Ф.Мауэр классификацияси бўйича Ер юзида ғўзанинг 35 тури мавжуд бўлиб, улардан 5 тури маданий ҳисобланади (1-схема). Маданий ғўзалардан Госсипиум-хирзитум (*G.hirsutum* L); Госсипиум-барбадензе (*G.barbadense* L) ва Госсипиум-трикуспидатум (*G.tricuspidatum* L) янги дунё ғўзаларидир.

Госсипиум-хирзитум (*Gossypium hirsutum*) ғўзасининг асл ватани Мексика бўлиб, табиий ҳолда Марказий Америкада учрайди. Шунинг учун уни Мексика ёки Марказий Америка ғўзаси деб юритилади.

Жаҳон пахтачилигида 2-ўринда энг кенг тарқалган тур ҳинди-хитой ғўзасидир. Бу тур ғўза асосан Ҳиндистон, Покистон ва Хитойда етиштирилади.


Учинчи ўринда кенг тарқалган ғўза, яъни Госсипиум-барбадензе – (*Gossypium barbadense* L.) табиий ҳолда Жанубий Американинг Перу, Бразилия, Боливия давлатларида ҳамда Барбадос оролларида учрайди. Бу тур биринчи марта Барбадос оролларида топилганлиги учун уни Барбадос тури деб айтилган. Бироқ, табиий ҳолда Перуда тарқалгани учун уни Перу ғўзаси деб айтилади.


Перу ғўзасининг толаси маданий ғўзаларнинг энг қимматлиси ҳисобланади. Бу турдаги ғўза навларининг, тола узунлиги 35-36 мм дан 40-42 мм гача, тола чиқиши 30-36%га етади. Чигити таркибидаги мой миқдори ўрта толали ғўза чигитидагидан кўпроқ. Бироқ, бу турнинг ҳосилдорлиги ўрта толали ғўза ҳосилдорлигига нисбатан паст.



2.2-расм. МДХ да пахта етиштирувчи минтақаларнинг схематик харитаси

2.2-расм.





*2.1-расм. Дунё бўйича пахта етиштирувчи минтақаларнинг
схематик харитаси*

Перу ғўзаси навлари асосан Ер шарининг субтропик ва тропик иқлим минтақаларида жойлашган ҳудудларида етиштирилади. Жумладан, Перу, Бразилия, АҚШ, Миср, Судан, Туркия, Эрон каби вегетация даври етарли бўлган давлатларда етиштирилади.

Американинг қитъасининг денгиз қирғоқларида, шунингдек, Жанубий Королина, Жоржия оролларида ҳамда АҚШнинг Флорида штатида перу ғўзаси экилади

Перу ғўзаси шунингдек, Миср давлатида ҳам катта майдонларга экилади. У ерда ингичка толали пахтанинг энг яхши навлар яратилган. Жаҳон бозорида Перу ғўзаси толасига талаб катта. Миср ингичка толали пахта толаси экспорт қилиш жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради.

Госсипиум-трикуспидатум эса Вест-Индия (уч-тишчали) ғўзаси номи билан аталади. Эски дунё ғўзаларидан Госсипиум-арбореум (*G.arboreum* L) – Хинди-Хитой ғўзаси, Госсипиум-хербациум эса (*G.herbactum* L) – Африка – Осиё ғўзаси номи билан юритилади. *G.herbactum* - табиий ҳолда Осиё (Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё) ва Африка (Африка ва қисман Жануби-Ғарбий Осиё)да тарқалгани учун Африка-Осиё ғўзаси ёки Жайдари ғўза дейилади. Ўрта Осиё Чор Россияси томонидан босиб олингунга қадар мамлакатимиз ҳудудда жайдари ғўза навлари экиб келинган.

Жаҳон мамлакатларида экин майдони жиҳатдан биринчи ўринни Мексика ғўзаси эгаллайди. Кейинги ўринларда эса Хинди-Хитой ғўзаси, Перу ғўзаси, Африка – Осиё ғўзаси туради. Вест-Индия (уч-тишчали) ғўзаси эса жуда оз майдонларда, асосан денгиз соҳили иқлими шаклланган ҳудудларда ўстирилади.

Ер юзида етиштириладиган пахта толасининг тахминан 70%и мексика туридан олинади.

МДХда экиладиган ўрта толали ғўза учта гуруҳга ажратилади. Булар Ўрта Осиё, Кавказ орти ва Шимолий Кавказ-Украина гуруҳидир. Ўрта Осиё гуруҳи-жанубий, марказий, шимолий ва тоғ олди гуруҳига, Кавказ орти –

Шарқий текислик ва ғарбий тоғ олди, Шимолий Кавказ–Украина гуруҳи эса Шимолий Кавказ ва Украина гуруҳларига бўлинади. Ингичка толали ғўза Турон ва Озарбайжон гуруҳига ажратилади (2.2-расм).

Инсон пахтачилик билан мунтазам шуғулланиши оқибатида бу группалардан янгидан-янги тур хиларини вужудга келтирди. Бундан турлараро дурагайлаш йўли билан янгидан-янги ғўза формалари яратилди. Мана шу ўтган давр мобайнида ғўзанинг табиати шу қадар ўзгардики, оқибатда тропик минтақаларда ўсиб ҳосил берибгина қолмай, балки субтропик ва нихоят иссиқлиги камроқ ва суғориш даври бирмунча қисқача бўлган континентал иқлим шароитида ҳам ўсиб юқори ҳосил берадиган ҳолга келтирилди.

Тропик минтақада ғўзанинг дарахтсимон формаларида дастлабки кўсак 7-9 ойда пишиб етилса, бир йиллик ғўзада 4-6 ойда пишиб етилади.

Республикамизда етиштириладиган ўрта толали ғўза навлари Мексика турига мансуб бўлиб, ғўзанинг тезпишар, паст бўйли навлари яратилган. Мамлакатимизда Мексика ғўзасининг “С-6524”, “Наманган-77”, “Фарғона-3” ва “Қирғиз-3” Бухоро-6, “Ан-баяут-2”, “С-4727”, “Қарши-8”, “Хоразм 126”, “Оқдарё-6”, “Оққўрғон-2”, “Меҳр”, “Омад”, “Бухоро-102” каби навлари яратилган.

Узун (ингичка) толали Перу ғўза навлари республикамизда катта майдонларни эгалламасада, асосан жанубий вилоятларда экилиб келинмоқда. Бу ғўзанинг толаси жуда ингичка, мустаҳкам ва узун бўлиб, ўрта толали ғўзаларга нисбатан бирмунча фарқ қилади. Толаси юқори сифатли бўлиб, ундан тайерланган тукима ўрта толалига нисбатан 1,5-2 марта мустаҳкам бўлади.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида бу тур ғўза республикамиз ҳудудига келтирилиб, экиб ўрганила бошланган эди. Лекин унинг кеч пишарлиги ижобий натижага эришмаган. Факат 1930-1940 йиллар мобайнида уни ўрганишга киришилиб, ижобий натижалар олина бошланди. Мисрдан

келтирилган “Маарад”, “Ашмуни”, “Фуади”, “Пилион” каби кўплаб навлар экилиб улардан индивидал танлаш ва дурагайлаш йўли билан бирмунча тезпишар навлар (2 И 3, 35-1, 35-2) яратилди. Ҳозирги кунда республикамизда ингичка толали ғўзанинг Термиз-24, Термиз-26, Қарши-6, Қарши-8, Ашхабад-25 каби навлари яратилган.

Вўза намсевар ўсимлик ҳисобланади ва у нормал усиши учун тупрок намлигини дала нам сиғимиға нисбатан 70% дан кам бўлмаслигини талаб этади. Республикамизда ўртача йиллик ёғин миқдори 150-300 мм ни ташкил этган ҳолда, тупроқдан намни буғланиши Қорақалпоғистон, Хоразмда 900 мм ни, Фарғона водийсида 1400-1500 мм ни, Сурхондарё воҳасида 1800-2000 мм ни ташкил этади. Кўриниб турибдики, нам буғланиши ёғин миқдорида 6-10 ҳисса кўп.

Республикамиз чучук сув танқислиги сезилувчи мамлакатлар орасиға кириб, сув манбалари ҳар йили ёғингарчилик ҳисобига янгидан барпо бўлади ҳамда трансчегаравий аҳамиятға эға. Республикамиздаги асосий сув манбалари тоғлардаги музлик-лардан сув олувчи, қор ва ёмғирлардан сув олувчи дарё ва сойлар ҳисобланади. Бу сой дарёлардаги сувнинг максимал оқими дарёларда май-июн ойиға, музликдан сув оладиган дарёларда июн-июл ва қисман август бошиға тўғри келади. Бу сувлардан рационал фойдаланиш учун йирик сув омборлари қурилган бўлиб, бу эса сувдан йил давомида текис фойдаланиш имконини беради.

Бундан ташқари оқим сувлар миқдори чекланган бўлгани учун ер ости сувларидан ҳам экинларни суғоришда фойдаланилмоқда. Бундай сув жамғармалари миқдори 1,2-1,4 минг м³/с ни ташкил этади. Мирзачўл ва Фарғона водийсида сизот сувлардаги туз қолдиғи 3 г/литрдан ортмаса, бу сувлардан фойдаланиб 32-35 ц/ға ҳосил олинмоқда. туз миқдори 4 г/литрдан юқори бўлса, бу сувлардан суғоришда фойдаланиб бўлмайди.

Республикамизда суғориш жойнинг рельеф тузилиши, тупроқнинг

механик таркиби иқлимий хусусиятларига ҳўжалик шароитларига қараб турли усулларда амалга оширилади.

Тупроқ устидан суғориш. Бу усулда ер усти текисланган бўлиши шарт, шунингдек, эгат оралаб суғориш ёки жўяклар оралаб суғориш қўлланилганда ер бети маълум қулай қияликда бўлиши керак. (0.002-0.003) Чунки сув шундай қияликда тупроқ эрозиясига сабабчи бўлмайди ва тупроқ бир маромда намланади, маълум карталар бўйлаб сув бостириб суғорилганда ҳам ўша қияликларга амал қилиш мақсадга мувофиқ.

Тупроқ остидан суғориш. Бу усулда суғоришни ташкил қилишда асосан махсус трубалар (металл, пластмасса, керамика ва ҳ.к.) тупроқ остида 50-60 см чуқурликда жойлаштирилади, Трубалар махсус тешикларга эга бўлиб, сув босим билан юборилганда намлик тупроқнинг бир хил миқдорда намлатиб туради, тупроқ устига намлик унчалик кўтарилмайди, буғланишга сарф бўлмайди, ўсимлик илдизи намликдан максимал фойдаланади, Бироқ, бу усулда ҳам тупроқ остида шўрланиш юз беради.

Ёмғирлатиб суғориш. Бу усулда суғорилган экинлар мунтазам бир маъромда намлик олиб туради, намлик ўсимликлар илдизи ва баданидан истеъмол қилинади, ортиқча сув тупроққа сингмайди, эрозия ҳодисаси юз бермайди, сув кўлобланиб қолмайди, тупроқ устида қатқалоқ вужудга келмайди. Сув 20-50% ҳажмда оддий эгат оралаб суғоришга нисбатан камроқ сарф бўлади. 1га майдонни суғориш вақти қисқаради, сув миқдори тупроқнинг механик таркибига қараб турли босимда берилиш мумкин.

II – боб. Жаҳон мамлакатларида пахтачиликнинг жойланиши ва ривожланишини ҳудудий жиҳатлари.

2.1 Жаҳон мамлакатларида пахтачиликнинг ривожланиш тарихи.

Инсониятнинг пахта толасидан фойдаланиш тарихи ибтидоий жамоа тузумига бориб тақалади ва бунга 15-30 минг йил бўлган, деб тахмин қилинади. Инсоният ибтидоий жамиятда ҳам пахта толасидан фойдаланган. У даврларда ёввойи ғўза кўсагидан чувиб олинган пахта толасидан кийим-кечак эмас балки балиқ овлаш учун тўр ва хайвонларни ушлаш учун арқон қилинган.

Пахта толасидан газлама тўқиш ишларининг бошланиши пахтачиликда иккинчи давр ҳисобланади. Бу дастлаб Ҳиндистондан бошланган.

Пахтачиликнинг ватани Ҳиндистон ҳисобланиб, Махенжо Даро шаҳридаги эрамыздан 3000 йил аввал қурилган мақбара археологлар томонидан ўрганилганда, бу ердан ипдан тўзилган мато парчалари топилган. Пахтачилик ҳақидаги дастлабки ёзма маълумот эса эрамыздан 1500 йил аввал ёзилган Ригведи гимнида учрайди.

Қадимги Ҳиндистонда пахта “karpas” номи билан машҳур бўлган. Кейинчалик бу ном бошқа тилларга ҳам кириб борди. Масалан, форс тилида “kīrpas”, арман тилидаги – “karpas”, грек ва лотин тилидаги – “karpasos” ва “carbasos”, араб тилидаги – “qutun” ёки “kutun”, инглиз тилидаги – “cotton” сўзлари “пахта” деган маънони билдиради. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Ҳиндистон пахта толаси етиштириш бўйича XIX аср охирига қадар жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб келди.

Ўсимлик толасидан ипак ва жундан газлама тўқишнинг ибтидоий дастгоҳлари Мисрда бундан 6000 йил, Грецияда 4500 йил илгари кашф этилган.

Пахта толасидан фойдаланиш Ҳиндистон орқали Хинди-Хитойга тарқалади ва бу давр эрамызгача 1500 йилга бориб тақалади. Хитойда пахтачилик билан

шуғулланиш Ҳиндистонга нисбатан бир мунча кейин яъни эрамиздан 2-2,5 минг йил илгари бошланган бўлсада, Шимолий Хитойда кенг миқёсда пахтачилик билан эрамизнинг V-VI асрларидан бошлаб шуғуллана бошланган. Бу даврларда Хитойда кийим-кечак тўқиш учун ипак, рами (хитой чаён ўти) ва каноп толасидан фойдаланиш урф бўлгани учун узок йиллар мобайнида ғўза фақат манзарали экин сифатида экилган, холос. Кейинчалик хитойликлар пахта толасидан ниҳоятда нафис газламалар тўқишни йўлга қўйиши билан пахтачилик ривожлана бошлади.

Ҳозирги кунда Хитой ғўза майдони бўйича ер юзида 3 ўринда (Ҳиндистон ва АҚШдан кейин), ялпи ҳосил бўйича эса биринчи ўринда туради.

Эрамизнинг III-IV асрларида Индонезияда, VI асрда Эрон ва Арабистода, VII асрда Мисрда, VIII асрларда Япония ва Кореяда пахта экила бошланган. Эронда пахта толасидан тўқилган матолар нафислиги ва ғўзаллиги билан дунёга машҳур бўлган.

Одамлар йиллар давомида толаси узун, пишиқ ва ҳосили эрта етиладиган ғўза чигитини экиш орқали, онгсиз равишда маданий ғўзалар авлодига асос солдилар.

Тарихий маълумотларга кўра, Арабистон ва Эронда пахтачилик билан бундан 2600-2500 йил олдин ҳам шуғулланганлар. Арабистонда ғўза ўсимлиги қадим замонларда манзарали экин сифатида экиб келинган. Баъзи манбаларда эса араблар пахтачилик билан эрамиздан аввалги VII-VI асрлардан шуғуллана бошлаганлиги қайд этилади.

Африка қитъасида биринчи бўлиб пахтачилик билан шуғулланган давлат—Миср ҳисобланади.

Миср пахтачилиги тарихи нисбатан ёш бўлиб, бу ўлкада бундан 6000 йил илгари зиғир толасидан газлама тўқишни билишган ва кийимларни шу газламадан тўқиш урф бўлганлиги сабабли пахта толасига унча қизиқиш билан қарамаганлар. Бу ерда пахтачиликни гуркираб ривожланиши ўрта аср

охирларига тўғри келади. XIX аср бошида Перудан ингичка толали ғўза келтириб экилади ва тажриба яхши натижа берганлиги сабабли жайдари ғўза майдони қисқара бошлади. Мисрликлар Перудан келтирилган навлар асосида шу кунгача машҳур бўлган «Ашмуни» навини яратдилар, оқибатда Перу ғўзасини ер юзида Миср ғўзаси номи билан тан ола бошладилар. Ҳозирги кунда Миср ингичка толали ғўзаси технологик сифати бўйича ер юзида биринчи ўринда туради.

Европа мамлакатларидан Грецияда пахтачилик билан гарчи эрамиз бошларидан шуғуллана бошланган бўлсада, унинг кенг миқёсда тарқалиши қитъани Араблар томонидан истило қилиниши билан боғлиқдир. Араблар VII асрда Испания ва Италияни босиб олиши билан, бу ерга ғўза чигити олиб келдилар ва пахтачиликка асос солдилар.

Европаликлар томонидан денгиз йўллариининг очилиши пахта толасидан тўқилган елканларга бўлган талабни кучайтирди. Кейинчалик Болгария, Руминия ва собиқ Югославияда ҳам пахтачилик билан шуғулланила бошланди. Шу тариқа Ўрта денгиз соҳилидаги мамлакатларда пахтачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғига айланди. Бу эса Франция, Пруссия ва Англияда тўқимачилик саноатини пайдо бўлишига туртки бўлди. Бунда Американи европаликлар томонидан очилиши муҳим рол ўйнади.

Американинг маҳаллий халқи пахтачилик билан қадимдан шуғулланиб келган. Чунки бу қитъада энг қадимги маданият ўчоқлари асосчилари Майя ва Атцека қабилалари яшаганлар. Марказий Америка, яъни Мексикада Г. гирзутум тури, Жанубий Америкада Г. барбадензе турлари тарқалган бўлиб, қадимги халқлар пахта толасидан ўз эҳтиёжи учун газлама, арқон ва балиқ овлаш тўр тўқишда фойдаланган.

Перу ва Мексикада эрамиздан аввалги V асрга доир қазилма ашёлари ичида пахта толасидан тўқилган газлама парчаси топилган.

Европаликлар томонидан Американинг кашф этилиши, бу ерда пахтачилик кенг ривожланишига олиб келди. Иқлими ва тупроқ шароитининг қулайлиги пахта майдонларининг кенгайишига имкон берди. Европада пахта толасига эҳтиёж катта бўлсада, толани чигитдан ажратиш қўлда амалга оширилгани сабабли иш унуми паст бўлиб, етиштирилган хом-ашёни қайта ишлаш имкони чекланган эди.

Пахта толасини чигитдан ажратиб олувчи дастлабки қурилма Ҳиндистонда яратилган бўлиб, “чурка” деб номланган. Ушбу қурилма ёрдамида бир кунда атиги 6-8кг пахта толаси ажратиб олиш имкони бўлган, холос. 1792 йили ўқитувчи Элли Уитней пахта толасини чигитдан ажратувчи механизм яратди. Орадан бир оз вақт ўтгач механик Хожин Холмс уни такомиллаштириб, ҳозиргача бизга маълум бўлган арра тишли “жин машинаси”ни яратди. Шу тариқа пахта толасини чигитдан ажратиш саноатлашди. Механизациянинг бундай энг оддий ва каммахсул воситалараидан фойдаланиш пахтачиликнинг ривожланишига сабаб бўлди.


Бу механизмни буғ машинаси ёрдамида ҳаракатлантирилиши, пахта хом ашёсига эҳтиёж кескин ортиб кетишига олиб келди. Ўша вақтдан бошлаб пахта майдонлари кенгайиб борди, тўқимачилик корхоналари қурилди. Бу эса жаҳон мамлакатларида ва Америкада пахтачилигининг ривожланишига кескин тўртки бўлди. Шу тариқа АҚШ XIX аср охирига келиб, пахта етиштириш бўйича ер юзида биринчи ўринга чиқиб олди.

XVIII аср охирларида кийим-кечак ва бошқаларни тайёрлашда фойдаланиладиган табиий толаларнинг 77%ини жун, 18,5 %ини зигир толасига тўғри келар эди. Орадан 103 йил ўтгач, жаҳонда ишлатиладиган толанинг 73 %ини пахта толаси, 20,5%ини жун толаси ташкил этди. Ҳозирги кунда бутун дунёда ишлаб чиқариладиган тўқимачилик саноати маҳсулотининг 50-60%и пахта толасидан ишлаб чиқарилмоқда.

2.2. Жаҳон мамлакатларида пахтачиликнинг жойланишини ҳудудий жиҳатлари.

Замонавий синтетик матолар хилма-хиллиги кенг авж олган бугунги кунда ҳам пахта толаси инсон ҳаётида ҳамон муҳим ўрин эгаллайди.

Пахта жаҳонда энг кенг тарқалган 5та мойли экин турлари (соя, рапс, ерёнғоқ, кунгабоқар ва пахта)дан бири ҳисобланади.



Пахтачилик кўпгина мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Гарчи ғўза ўсимлиги Ер шарининг тропик минтақасидан, яъни ҳаво ҳарорати $+18^{\circ}\text{C}$ дан кам бўлмаган муссон иқлимли минтақада пайдо бўлган бўлсада, ҳозирги кунда асосий экин майдони шимол ва жанубга қараб анча силжиди. Пахтачиликнинг жанубий чегараси жанубий кенгликнинг 35° гача, шимолий чегараси эса шимолий кенгликнинг 44° гача боради.

Пахтачиликнинг энг шимолий чегараси Хитой Халқ Республикасида бўлиб, жанубий чегараси эса Австралия ҳудудларига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасида пахта шимолий кенгликнинг 37⁰ дан (Сурхондарё вилоятида), 43⁰ гача (Қорақалпоғистон Республикаси) бўлган суғориладиган ҳудудларда экилади.

Собиқ Иттифоқи даврида пахтачиликнинг энг шимолий чегараси янги пахтачилик районлари деб аталмиш Шимолий Кавказ, Жанубий Украина, (Крим), Қуйи Волга ва Молдавиядаги шимолий кенгликнинг 47⁰ га қадар етказилди. Бу ҳудудларда XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб пахта етиштириш тўхтатилди.

Ҳозирги кунда дунёнинг 84 мамлакатада ғўза ўстирилади, жумладан, Шимолий ва Жанубий Америкада 20та, Осиё ва Океанияда 28та, Африкада 31та, Европада 4та мамлакат ҳамда Австралия Иттифоқи пахта етиштириш билан шуғулланади (2.1-расм). Шу ўринда Европада 1990 йилларга қадар 9та мамлакатда пахта етиштирилганлигини қайд этиш лозим.

Жаҳоннинг айрим мамлакатларида пахтачилик валюта ишлашнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Жаҳонда пахта экиладиган ерлар майдони ва пахта ҳосили бўйича Осиё мамлакатлари 1-ўринда туради. Америка мамлакатлари 2-ўринни, Африка мамлакатлари эса 3-ўринни эгаллайди.

2.1-жадвал

Жаҳонда пахта экин майдонлари ва пахта ҳосилдорлиги динамикаси.

Йиллар	Экин майдони, минг га	Ҳосилдорлик, кг/га
1970	31801	380
1980	32358	426
1990	33159	572
2000	32126	601
2005	29158	693
2010	27275	724

Манба : www.fas.usda.gov/cots/cotton.

Жаҳонда асосий пахта етиштирувчи мамлакатлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистан, Ўзбекистон, Бразилия, Туркия, Туркманистан, Австралия, Греция, Миср,

Аргентина, Сурия ва Парагвай. Бу мамлакатларнинг дастлабки 5 таси жаҳонда етиштириладиган пахта ҳосилининг 70%ини етказиб беради. Бироқ, биринчи бешлик мамлакатларидан фақатгина АҚШ ва Ўзбекистон пахта экспорт қилувчи мамлакат ҳисобланади. Хитой, Ҳиндистон ва Покистонда эса ишлаб чиқарилган пахта мамлакатнинг ўзида қайта ишланади.

Жаҳонда пахта экин майдонларининг салмоғи бўйича Ҳиндистон, АҚШ, Хитой, Покистон, Ўзбекистон, Бразилия ва Нигерия давлатлари олдинги ўринларда туради. Ушбу давлатлар биргаликда жаҳондаги жами пахта экин майдонининг 90%дан ортиқроқ қисмини ташкил этади. Буни 2.2-жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

2.2-жадвал

Йиллар бўйича пахта экин майдонлари (минг га) (FAOSTAT)

№	Мамлакатлар номи	1985	1995	2010
1	Ҳиндистон	7 533	9 035	9 100
2	АҚШ	4 140	6 478	5 586
3	Хитой	5 140	5 422	5 060
4	Покистан	2 364	2 997	3 096
5	Ўзбекистон	1989,8	1 493	1 347
6	Бразилия	3 590	1 191	1 254
7	Нигерия	220	431	630
8	Туркия	660	741	600

Манба : www.fas.usda.gov/cots/cotton.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жаҳонда пахта экиладиган майдонларнинг кўплиги бўйича Ҳиндистон биринчи ўринда туради ва жами пахта майдонларининг 33,4%ини эгаллайди. АҚШ жами пахта экин майдонининг 20,5%ни, Хитой 18,5%ни, Покистон 11,4%ни ишғол қилади. Ўзбекистон Республикасида пахта экин майдонлари 1347 минг га бўлиб, жаҳондаги жами пахта экин майдонининг 0,5%и жойлашган.

Жаҳон пахта майдонларининг ярмидан кўпроғи лалмикор ерларда жойлашган. Лалми пахтачилик, айниқса, Ҳиндистон, Покистон, Жанубий Америка ва Африкада (Нигерия, Гана, Того ва бошқ.) ҳамда АҚШда (Техас

штати) ривожланган. Бироқ бундай ерларда ҳосилдорлик одатдагидан 2–3 баравар паст бўлади.

Ҳозирги кунда жаҳонда жами 26-27млн га майдондан пахта етиштиришда фойдаланилади, олинган тола ҳосили эса 20-22 млн тоннани ташкил этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, пахта толаси етиштиришнинг кўпайиши, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил салмоғининг ошишига боғлиқ. Кейинги йилларда ҳар гектардан олинадиган ҳосил Ҳиндистон ва Покистонда 2–3, Хитой, Бразилия ва Австралияда 1–1,5 марта ошди.

Сўнгги йилларда пахта толаси ишлаб чиқариш АҚШда 35 фоизга, Хитой, Покистон, Бразилия ва Ҳиндистонда бу кўрсаткич 1,5–3 маротаба кўпайди.

Ҳозирги кунда Австралия пахта толаси етиштириш бўйича пешқадамлик қилмоқда. Ушбу давлатда тола етиштириш салкам 5 баробар ошди ёки 210 минг тоннадан 980 минг тоннага кўпайди.

Кўпгина мамлакатларда, чунончи АҚШ, Покистон, Бразилия ва Австралияда пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажми ички ҳамда ташқи шароитларга, кўпинча эса жаҳон бозоридаги эҳтиёжга қараб ўзгариб туради. Бунга об-ҳаво шароитидаги ўзгаришлар, ўсимликларнинг ёппасига касалликка чалиниши ва бошқа сабаблар таъсир этади.

АҚШнинг пахта минтақаси мамлакатнинг жанубий штатларига тўғри келади. Бу ерларда XIII-XX асрларда пахта асосий қишлоқ хўжалик экини бўлиб келган.

1792 йилда “коттон-жин” пахта тозалаш машинаси ихтиро қилингунга қадар пахта етиштириш денгиз бўйи штатларида, биринчи навбатда Жанубий Королина ва Жоржия штатларида тўпланган эди. 1800 йил ўрталарига келиб, АҚШ пахтачилик минтақаси Виргиния штатидан шарқий Техасгача кенгайди. Ҳозирги кунда АҚШнинг пахтачилик энг ривожланган

худудларига Жоржия, Алабама, Миссисипи, Флорида, Луизиана ва Техас штатларини киритиш мумкин.

АҚШда пахтачилик биринчи жаҳон урушига қадар қуллар меҳнати ҳисобига ривожлантирилган бўлса, урушдан кейинги йилларда ерлар деҳқонларга ижарага берила бошлади. XX асрга келиб, пахтачиликнинг ривожланиши мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар таъсирида кескин сустрлаша бошлади. Ҳозирги кунда АҚШда пахтачилик билан бир қаторда маккажўхори, буғдой, соя, ерёнғоқ кабилар етиштирилмоқда.

Бугунги кунда пахта толасини сотиш бўйича АҚШ пешқадамлик қилмоқда. Америка Қўшма Штатлари мамлакатда ишлаб чиқилган пахта толасининг 80 фоизини четга экспорт қилади. Бу жаҳон бозорида сотиладиган толанинг 41,3 фоизи демакдир.

Ҳиндистоннинг табиий шароити мамлакат худудининг катта қисмида қишлоқ хўжалигини юритиш учун қулай. Мамлакат майдонининг ярмидан ортиғини экин майдонлари ташкил этади.

Ҳиндистонда иккита асосий қишлоқ хўжалик мавсумини ажратадилар:

1. Ёзги мавсум (хариф) –май ойи охиридан то сентябрь-октябрь ойларигача давом этади. Энг муҳим экинлар, жумладан, пахта ҳам шу мавсумда етиштирилади. Чунки бунда экинларнинг етилиши ёзги муссон даврига, ҳосилни йиғиб териш эса муссоннинг сўниш даврига тўғри келади. Бу мавсумда пахта лалми ерларга экилади.

2. Қишки мавсум (раби) – сентябрь-октябрь ойларидан то март-апрель ойларига давом этади. Бу мавсумда қуруқ ва серкуёш об-ҳаво шароити устун туради, кўпчилик экинлар суғоришни талаб этади. Шунинг учун бу мавсумда пахта суғориш имконияти мавжуд бўлган худудларда, хусусан, Ҳинд-Ганг пасттекислигининг шимолий-ғарбий қисмида етиштирилади.

Юқоридаги мавсумларга мувофиқ, Ҳиндистонда иккита асосий деҳқончилик зонаси шаклланган бўлиб, улар Ҳинд-Ганг пасттекислигидадир.

2007 йилнинг 2-ярмидан бошланган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози пахта ишлаб чиқариш салмоғига ҳам кучли таъсир кўрсатди. Натижада пахта ишлаб чиқариш салмоғи 2009 йили 22,4 млн тоннани, 2010 йили 21,5 млн тоннани ташкил этди.

Жаҳон мамлакатлари ичида пахтачилик билан кенг миқёсда шуғилланувчи мамлакатлар асосан 8та бўлиб, улар –Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Бразилия, Ўзбекистон, Туркия, Австралия давлатларидир. Юқорида қайд этилган мамлакатлар жаҳон бўйича етиштирилаётган жами пахтанинг 80%дан ортиқроғини беради.

Хитой қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи — деҳқончилик. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 93 млн. гектари, яъни мамлакат ҳудудининг 10% ҳайдалади, шундан, 49% суғориладиган ерлардан иборат. Экин майдонининг 18% га техника экинлари, асосан пахта экилади. Хитой жаҳондаги энг кўп пахта етиштирувчи мамлакат бўлиш билан бирга, пахта толасини энг кўп пахта истеъмолчи мамлакат ҳамдир.

Хитойда пахта етиштириш ва қайта ишлаш жараёнлари географик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. ғарбий Хитой хом ашё ишлаб чиқаришга, Шарқий Хитой эса газлама ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот олишга ихтисослашган.

Хитойда пахтачилик юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда. Масалан, 1949 йили ялпи тола ҳосили 440 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1959 йили 2100 минг тоннага етказилди. 2010 йили эса 5313 минг тонна ҳосил йиғиб олинди. 2012 йилда АҚШда пахта экин майдонлари 14%га ошди. Пахта экин майдонлари 12,5 млн акрга етказилди.

АҚШ жаҳонда пахта етиштирувчи пешқадам давлатлардан биридир. АҚШда пахта етиштириш билан тупроқ-иқлим шароитига кўра биридан фарқ қилувчи 19 штатда шуғилланилади.

Жаҳон пахтачилигида 4-ўринни Покистон эгаллаб, ишлаб чиқарилган пахтанинг 8,4 % ини етказиб бермоқда. мамлакатнинг иқтисодий кудрати,

жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи кўп жиҳатдан Покистонда пахтачиликнинг ривожига боғлиқ. пахта ва унинг маҳсулотлари мамлакатнинг асосий валютаси манбаи ҳисобланади. Охириги 50 йил давомида пахта ишлаб чиқариш 240 минг тоннадан 1807 минг тоннага ёки 7,5 бараварга ўсди.

Покистонда пахта экин майдонларининг 90%дан ортиқроғига мексика ёғмаси экилади.

Жаҳон мамлакатларида пахта ҳосили (тола ҳисобида, 2010 йил)

№	Мамлакат номи	Ялпи ҳосил Минг т	№	Мамлакат номи	Ялпи ҳосил, Минг т
1	Хитой	5313	24	Мексика	
2	АҚШ	4421	25	Чад	80
3	Ҳиндистон	2678	26	Зимбабве	70
4	Покистон	1807	27	Танзания	63
5	Бразилия	1290	28	Судан	60
6	Ўзбекистон	1118	29	Того	60
7	Австралия	980	30	Мьянма	59
8	Туркия	865	31	Аргентина	54
9	Греция	455	32	Перу	40
10	Сурия	337	33	Замбия	37
11	Миср	314	34	Озарбайжон	32
12	Мали	240	35	Қирғизистон	30
13	Туркменистон	196	36	Исроил	22
14	Буркино Фасо	158	37	Колумбия	30
15	Кот д Ивуар	150	38	ЖАР	25
16	Тожикистон	142	39	Боливия	20
17	Козогистон	141	40	Афғонистон	18
18	Бенин	135	41	Уганда	17
19	Эрон	125	42	Мозамбик	16
20	Испания	107	43	Эритрея	15
21	Парагвай	100	44	Гана	15
22	Камерун	98	45	Албания	4
23	Нигерия	98	46	Болгария	2

Жаҳон мамлакатлари орасида Бразилия сўнгги ўн йилликда иқтисодиёти тез суръатлар билан ривожланаётган давлат сифатида кўзга ташланмоқда. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда Бразилия дунёда биринчи ўнлик мамлакатларига киради.

Мамлакатда дунё экин майдонларининг бешдан бир қисми мавжуд бўлиб, 60 миллион гектарни ташкил этади. Бразилияда 1996-1997 йиллардан то 2004-2005 йилларгача пахта майдони 657 минг гектардан 1180 минг гектаргача оширилди ва пахта толаси, ишлаб чиқариш, тўрт бароварга кўпайди.

Бразилияда пахта ишлаб чиқариш салмоғини оширишда унинг ҳосили сўнгги йилларда уч мартага кўпайтирилди. Ҳар гектар майдон ҳисобига тола ҳосили 465 кг/га ўрнига 1101-1257 килограммгача кўпайтирилди. Бразилия мамлакати дунёда пахта толаси ишлаб чиқаришда Ўзбекистон билан биргаликда биринчи олтилик мамлакатлардан ўрин эгаллади. МДХда пахта асосан Ўрта Осиё Республикаларида шунингдек, Озарбайжонда ҳам етиштирилади. Яқин вақтларга қадар Арманистон ва Грузияда ҳам ғўза ўстирилган. Шунингдек, Қуйи Волга, Шимолий Кавказ, Украинанинг жануби (Қрим) ва Молдовада ҳам пахта етиштирилган. Бу районлар дунё бўйича пахтачиликнинг энг шимолий қисми ҳисобланиб, чегараси 44⁰ шимолий кенгликкача етган.

Африка материгидаги пахтакор минтақа қуруқликнинг шарқий қисмини ўз ичига олиб, Миср, Судан, Мали, Нигерия, Чад, Конго, Уганда, Танзания, Мозамбик ва Танзания каби мамлакатлар ҳудудини ўз ичига олади. Юқорида қайд этилган мамлакатлардан Мали, Нигерия, Чад, Конго ва Миср пахталаридан энг сифатли пахта толаси олинади.

Жаҳон бозорида пахта толасининг нархи 2010 йил июл ойида энг арзонлашиб, бир фунд тола (453,592грамм) 77,16 центдан 1 долларгача белгиланган бўлса, 2011 йил март ойида толанинг нархи рекорд кўрсаткичдан 64 фоизга пасайиб кетган эди. 2012 йилга келиб эса пахта нархи рекорд даражада кўтарилиб, бир фунд пахта толаси 2 долларни ташкил этди. Демак, бир тонна тола 4400 доллар деб баҳоланди.

Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

1. Покистон дунё бозоридаги толанинг 8 фоизини беради. Покистондаги сув тошқинининг таъсирида ҳосил нобуд бўлди.
2. Жаҳондаги тола экспортини 25 фоизи Хитой хиссасига тўғри келади. Хитойдаги ҳавонинг совуши ва муттасил ёққан ёмғирлар таъсирида пахталарни йиғиб олиш имконияти бўлмади. Натижада Хитойда жорий йилда 6,4 миллион тонна пахта толасини тайёрлади. Бу ўтган йилгига қараганда 350 минг тонна кам демакдир.
3. Ҳиндистон ҳам табиий офат туфайли йўқотилган ҳосил эвазига тола экспортини тўхтатиб қўйди. Натижада жаҳон бозорида пахта толасининг нархлари катта фоизда ошиб кетди.

III-боб. Ўзбекистонда пахтачиликнинг жойланиши ва ривожланиш хусусиятлари

3.1. Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиш тарихи ва пахта якка ҳокимлигининг оқибатлари.

Ўзбекистонда пахтачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлибгина қолмай, балки иқтисодиёт барқарорлигини таъминловчи қудрат ҳамдир. Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодиётнинг барқарор ҳолатини таъминлаш натижалари кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Шунингдек, Республикамиз иқтисодиёти ва саноатининг ривожланишида ҳам ана шу қимматбаҳо хомашёнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ўзбекистонда пахтачилик қадимий тарихга эга бўлиб, мамлакатимиз ҳудудида бундан 2000 йил илгари ҳам пахтачилик билан шуғулланилган. Амударё, Сирдарё, Мурғоб ва Зарафшон дарёлари водийларидаги эрамиздан аввал IV-III асрларга оид манзилгоҳлардан чигит ва ип газлама парчалари топилган.

Археологлар томонидан Чустда олиб борилган қазилмалар натижасида ип газлама парчалари топилган бўлиб, аجدодларимиз бундан 2,5-3,0 минг йил олдин ҳам пахтачилик билан шуғулланганлигини исботлайди.

Эрамиздан олдинги IV асрларда Ўрта Осиё Александр Македонский томонидан забт этилган бўлиб, унинг солномаларида бу ерда яшовчи маҳаллий халқлар пахтачилик ва тўқимачилик билан шуғулланганлиги қайд этилади. Эрамиздан аввалги II-I асрларга тегишли Шицзи ва Хан-шу номли Хитой йилномаларида Да-Юан, яъни Фарғона давлатида 70та шаҳар ва қишлоқлар бўлганлиги ҳамда ерли аҳоли пахта етиштириш ва тўқимачилик билан шуғулланганлиги ҳақидаги маълумотлар қайд этилган.

Эрамизнинг V-VI асрларида Марв, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм пахта ипидан тўқилган матолари билан шуҳрат қозонган.

Ўрта Осиёда пахтачиликнинг ривожланганлиги ва ундан нафис газламалар тўқилиши ҳақида IX-XII асрларда яшаган араб географ ва сайёҳлари ал-Истахрий, ал-Балхий, ибн Хавқал асарларида ҳам ёзиб қолдирилган. Асарларда Бухоро яқинидаги Зиндони қишлоғи ва Марв шаҳрида тўқилган газламалар ниҳоятда нафис ва гўзаллигини, бу газламадан фақат зодагонлар кийим тиктириб кийишини таъкидланади. Шунингдек, бундай газламалар Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Тошкент шаҳарларида ҳам тўқилиши ва уларни четга чиқарилиши ҳақидаги маълумотлар қайд этилади.

XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё хонликлари Москва давлати билан савдо-сотиқ муносабатларини тиклаганларидан кейин, у ерга бошқа моллар қатори ип-газлама, пахта толасини ҳам олиб борганлар. XVIII-XIX асрга келиб, рус давлатига олиб борилаётган пахта толаси анча кўпайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон Чор Россияси томонидан босиб олинди. Бу даврда Чор ҳукумати тўқимачилик саноати учун пахта чет эллардан келтирилар эди. Етиштирилаётган пахта бутун дунёда етиштирилаётган пахтанинг атиги 4,3 фоизини ташкил қиларди, холос. Россиянинг тўқимачилик саноатини пахта толасига бўлган талабини қондириш мақсадида, Туркистонни арзон хом ашё базасига айлантириш бўйича бир қатор тадбирлар кўрилди. (1-жадвал, 3.1-расм).

Совет ҳукумати Туркистонда большевиклар ҳукумронлигини ўрнатгач, ўз ҳукумронлигининг дастлабки кунларидан бошлаб, Россия империясининг ўлка табиий бойликлари, жумладан, пахта хом ашёсини олиб кетиш сиёсатини изчил давом эттирди. Бу сиёсат оқибати ўлароқ, ўлкада пахтачилик тез суръатлар билан ривожланишига йўл очилди.


Биринчи жаҳон уруши туфайли оғир аҳволга тушган ўлка иқтисодиёти, айниқса, қишлоқ хўжалигининг пахтачилик соҳаси Октябр тўнтариши, қизил армия билан истиқлолчилар ўртасидаги қуролли курашнинг кучайиши натижасида таназзулга учради, барча деҳқон хўжаликлари хонавайрон бўлди.

**Туркистонда Октябрь инқилобига қадар пахта экин майдонлари ва
ялли ҳосили.**

Йиллар	Экин майдони, минг/га	Ялли ҳосил, минг/т	Ҳосилдорлик (га/ц)
1860	36,0	25,0	7,0
1870	43,0	30,0	7,0
1880	51,0	36,0	7,0
1890	101,0	81,0	8,0
1900	244,4	220,0	9,0
1905	200,4	200,0	10,0
1906	250,0	250,0	10,0
1907	273,0	300,0	11,0
1908	275,0	330,0	12,0
1909	259,0	350,0	13,5
1910	278,5	390,0	14,0
1911	320,0	480,0	15,0
1912	327,6	475,0	14,5
1913	429,3	521,0	12,2
1914	501,6	627,0	12,5
1915	542,5	830,9	15,3
1916	554,5	610,0	11,0

3.1-расм.

**Туркистонда Октябрь инқилобига қадар пахта экин майдонлари ва ялли
ҳосили динамикаси**



Дехқонлар, жумладан, пахтакорларнинг қашшоқлашиш даражаси ошиб кетди.

Тарихдан маълумки, оғир табиий шароитларда ҳам ҳосил олиб халқни боқа олган дехқонлар оммасига таянган Туркистон халқлари оммавий очарчилик азобини кўрмаган. Бу даврларда ҳам оддий халқнинг қашшоқ қисми мавжуд бўлган, аммо ўлка қисқа даврда юз минглаб аҳолининг очликдан қирилиб кетишини бошдан кечирмаган эди.

Туркистон ўлкаси бўйича очарчилик 1 млн 200 минг кишини қамраб олди. Аҳоли рўйхатига кўра, фақат 1917-1920 йилларда ўлка аҳолиси 1 млн дан ортиқ кишига, яъни тахминан бешдан бир қисмга камайган.

Совет ҳукумати Октябрь тўнтаришининг дастлабки кунларидан бошлаб, Россия марказидаги тўқимачилик фабрикаларини пахта хом ашёси билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берган. Ўлкада пахта етиштириш ва уни ташиб кетишни биринчи даражали масала сифатида қаради. Бундан кўзланган асосий муддао Россия тўқимачилик саноатини пахта билан таъминлаш, Қизил армия ва ишчиларнинг кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш эди.

Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети 1918 йил 26 февралда “Ўлкадаги пахтани мусодара қилиш тўғрисида”ги декретни тасдиқлади.

Туркистонда мусодара қилинган катта миқдордаги пахта хом ашёси Россия тўқимачилик саноатига тинимсиз равишда жўнатиб турилди. 1918 йили Оренбург ва Красноводск темир йўллари орқали марказга 1310 вагон, 1919 йили 5443 вагон, 1920 йилда эса 8565 вагондан иборат пахта толаси Марказга юборилган.

Совет ҳукумати марказни пахта билан таъминлашни яхшилаш, ўлкада пахта етиштиришни кўпайтириш мақсадида Туркистоннинг пахтакор дехқонларига кенг истеъмол молларини етказиб бериш ва топширилган пахтага ҳақ тўлаш масаласига алоҳида эътибор берган.

1920 йили давлатга топширилган пахта учун пахтакорларга нақд пул ёки натура билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда Америка чигитидан етиштирилган 1 пуд пахтанинг нархи совет пулига 1260 рубль деб белгиланди. Пул тўлашдан ташқари, бир десятина* ердан давлатга 50 пуд пахта топширган пахтакорларга қуйидаги натурал буюмларни бепул бериш жорий қилинган: а) ҳар десятина ерга 7 пуд уруғлик; б) 24 фунт (кадоқ) пахта ёғи, 2 пуд 16 фунт кунжара ва шелуха; в) 30 аршин ип-газмол; г) 9 ғалтак тикувчилик ипи; д) 30 фунт керосин; е) 40 фунт темир (мих, темирчилик материаллари); ж) 60 фунт туз; з) 50 қутича гугурт.

Совет ҳукумати аграр сиёсатининг асосий мақсади ерга хусусий мулкчиликни бекор қилиш, уни умумхалқ, давлат мулкига айлантириш, якка деҳқон хўжаликларини тугатиш, уларнинг ўрнига коллектив хўжаликларни ташкил қилиш бўлган. Туркистонда дастлабки коллектив хўжаликлар 1918 йилда асосан бойларнинг национализация қилинган ерларида вужудга кела бошлаган.

1917 йил 26 октябрдаги “Ер тўғрисида”ги декрет асосида, ўлкадаги йирик ер эгалари - пахта етиштирувчи бойлар, ер ва пахта завод эгаларининг катта миқдордаги сармояси давлат мулки деб эълон қилинган.

Ерларни сунъий суғориш Туркистон шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Қизил армиянинг истиклолчиларга қарши кураши натижасида ирригация шахобчалари вайрон бўлган, ирригация тизими - сойлар, каналлар, магистрал ариқлар тозаланмай, таъмирланмай қолган эди. Натижада суғориладиган экин майдонлари қисқариб кетган.

Ўлканинг асосий деҳқончилик райони ҳисобланган Фарғона вилоятида, 1915 йилда унинг умумий экин майдони 866 минг десятина бўлган бўлса, 1919 йилда 396 минг десятинага, 1922 йилга келиб 361 минг десятинага тушиб қолган.

-
- Десятина – 1,09 гектерга тенг ер ўлчов бирлиги.
 - Фунт – ўлчов бирлиги 1 фунт = 409,512г

Пахта майдони ва пахтачиликнинг ўсиши совет ҳукумати томонидан марказий ҳудудлар тўқимачилик саноатини пахта хом ашёси билан таъминлаш мақсадида амалга оширилган қатор чора-тадбирлар, ирригацияни тиклаш ва ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, деҳқонларни моддий манфаатдор қилиш, пахта экинидан олинадиган солиқлар миқдорини камайтириш ва бошқаларнинг натижаси эди.

Пахтачиликни тиклаш ва ривожлантиришнинг Иттифок ҳукумати томонидан белгиланган асосий йўлларида бири, суғориладиган ерлардан ғалла экинларини сиқиб чиқариш ва бўшаган ерларга пахта экиш эди. Шу мақсадда Ўрта Осиёни ғалла билан таъминлаш акционерлик жамияти - “Средазхлеб”, кейинроқ “Азияхлеб” ташкил қилинди. Дон экинларини сиқиб чиқариш ҳисобига пахта экин майдонлари ҳажми кенгайиб борди. Натижада Ўрта Осиёда ғалла етиштириш миқдори камайиб, мамлакат Иттифок ғалласига қарам бўлиб қолди. Ўзбекистонга 1926/27 йилда 26 млн. дан, 1927/28 йилда 34 млн. пуддан зиёд ғалла келтирилди. Ўрта Осиёга юборилган дон миқдорининг ортиши ғалла экин майдонларининг камайиши ва пахта экин майдонларининг кенгайишига олиб келди.

Пахта экин майдонларининг ўсиши, сув билан таъминлаш даражасининг яхшиланиши, механизация, селекция ишларидаги ютуқлар, деҳқон хўжаликларида агрономия ёрдамининг кенгайиши, минерал ўғитлар билан таъминлашнинг ортиши ва бошқа чора-тадбирлар пахта ялпи ҳосилининг йилдан-йилга кўпайишига олиб келди. Ўзбекистонда Биринчи жаҳон урушидан олдин – 1913 йилда 521,7 минг тонна хом пахта олинган бўлса, 1925 йилда 375,4 минг тонна, 1927 йилда 474,7 минг тонна, 1928 йилда 543,7 минг тонна хом пахта йиғиб олинди.

XX асрнинг 20-йилларида собиқ Иттифокда тўқимачилик саноати учун етишмаган пахтани Америка, Миср, Ҳиндистон, Туркия, Эрон ва бошқа чет мамлакатлардан сотиб олинар эди. Натижада, совет давлатининг катта

миқдордаги валютаси чет элга чиқиб кетар эди. Шунинг учун ҳам совет ҳукумати Иттифоқнинг асосий пахта базасига айлантирилган Ўзбекистонда пахтачиликни бутун чоралар билан кенгайтиришга, ялпи пахта ҳосилини кўпайтиришга интилар эди. Марказнинг бу соҳадаги мустамлакачилик характеридаги сиёсати туфайли Ўзбекистон СССРнинг пахта хом ашё манбаига айлантирилди.

Пахта ҳосилдорлигини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш мақсадида тола сифати яхши бўлмаган маҳаллий жайдари ғўза (Г. гербацеум) ўрнига Америкадан узун толали Си-Айланд типига кирувчи (Г. барбадензе) ғўза навларини чигити келтирилди. Лекин бу ғўзанинг вегетация даври узок бўлганлиги сабабли, Туркистон шароитида у пишиб етилмади ва тажриба мувоффақиятсиз чиқди. Кейинчалик Марказий Америкадан Упланд типига кирувчи Мексика (Г. гирзутум) навлари келтириб экилди.

Америкадан келтирилган янги нав пахта хом ашёсининг бозор нархи бирмунча оширилди. Пахтакор районларга арзонлаштирилган ғалла келтириш, Мирзачўл ерларини ўзлаштириш учун сув чиқариш каби тадбирлар кўрилди. Натижада Туркистонда пахта экин майдонлари ва ялпи ҳосил қарийб 8 баравар ўсди.

Совет Иттифоқининг пахта мустақиллигига эриши борасида олиб борган сиёсатининг натижаси ўлароқ, 1930 йиллардан бошлаб Шимолий Кавказ, Жанубий Украина, (Қрим), Қуйи Волга ва кейинроқ Молдавияда пахтачилик билан шуғуллана бошладилар. Бу ҳудудларда жами пахта майдони 262 минг гектарга етказилиб, 1930 йили 100 минг т пахта етиштирилди.


Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш ва ҳосилдорликни ошириш мақсадида бир нечта илмий тадқиқот институтлари ташкил этилиб, уларда 90 дан ортиқ янги ғўза навлари яратилди. Масалан, 1929 йили Мисрдан келтирилган “Маарад”, “Ашмуни”, “Фуади” ва “Сакелерядис” ингичка толали ғўза навлари асосида “2 и 3, 35-1” ва “35-2” каби маҳаллий

навлар яратилди. Юқорида кўрилган чора-тадбирлар натижасида 1932 йили Иттифоқда етиштириладиган пахта толасининг 89,7%ини Ўзбекистонда ишлаб чиқарилди.

Пахтачиликни ривожлантириш мақсадида қудратли ирригация системаси бунёд этилди. 1939 йили мамлакатда 57 та ирригация иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Булар ичида Катта Фарғона канали Фарғона водийси ва Тожикистоннинг Ленинобод (ҳозирги Сўғд) вилоятини сув билан мунтазам таъминлаш имконини берди. Бу эса пахтачиликни янада ривожлантирилиши ва пахта майдонларининг кенгайтирилишига замин яратди.

Узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистон собиқ Иттифоқнинг асосий пахта базаси бўлиб келди ва жами етказилган пахтанинг 65% ортиғи мамлакатимиз ҳиссасига, қолган 35%и эса Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари ҳиссасига тўғри келди (3.2-расм)

1980 йилда собиқ Иттифоқда пахта етиштирувчи республикаларнинг улуши.



Совет ҳукумати аграр соҳада Россия империяси мустамлакачилик

сиёсатини янгича усул ва шаклда амалда давом эттирди. Натижада, 30-йилларда республика экин майдонининг 80-90 фоизи пахта билан банд бўлди.


Ушбу аграр сиёсат, маҳаллий халқнинг асрлар синовига дош берган табиатдан фойдаланиш соҳасидаги анъанавий тажриба, кўникма ва малакаларининг унутилиши натижасида юз берган ва Орол муаммоси ханузгача ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, асосан пахта етиштиришга мослаштирилган ердан фойдаланиш тизими қишлоқ жойларда аҳолининг катта қисмини паст малакали меҳнат ресурслари сифатида тўпланишига, зарур озиқ-овқат маҳсулотларини четдан келтиришга ва халқимизнинг асрлар мобайнида шуғулланиб келган, ерларнинг табиий имкониятларидан фойдаланишга асосланган қишлоқ хўжалигининг кўплаб соҳалари йўқолиб кетишига сабаб бўлди.

Халқ хўжалиги бошқа соҳаларининг тараққиёти пахтачилик манфаатларига бўйсундирилди. Пахтачиликни ривожлантириш мақсадида «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш», «Красный двигатель», «Подъёмник» каби 3-дларда тиркама ускуналар ва тракторлар учун эҳтиёт қисмлар ҳам ишлаб чиқарила бошланди. Қишлоқ хўжалиги хом ашёси (асосан, пахта ва пилла хом ашёси)ни қайта ишловчи корхоналар қурилди. Чирчиқ электр-кимё комбинати қисқа муддатда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ўтказидди. Урушдан кейинга дастлабки йилларда 150 та саноат корхонаси ишга туширилди. Пахта якка ҳокимлиги шаклланди. Ўрта Осиёда суғориладиган ерлар майдонининг кескин ортиб бориши ва сувдан нотўғри фойдаланиш Орол денгизининг қуриши каби ўнглаб бўлмас экологик муаммони вужудга келишига сабаб бўлди.

3.2 Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиш истиқболлари.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилиниши туфайли пахта сиёсати тубдан ўзгарди. Пахта якка ҳокимлигига барҳам берилди.

Пахтачилик билан бир қаторда ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик каби соҳаларни ҳам жадал ривожланиш имкониятлари яратилди. Пахта майдонлари камайтирилиб, донли экинлар хусусан, буғдой майдони кенгайтирилмоқда. Буни қуйидаги диаграммалардан яққол кўриш мумкин (3.3-расм).



Бугунги кунда мамлакатимизда жами экин майдонлари 3708,4 минг га бўлиб, шундан 45,3%дан ортиқ қисмида донли экинлар, 36,2% да пахта етиштирилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатда етиштирилган ялпи ички маҳсулотнинг 37,6 фоизи хизмат кўрсатиш, 26,8 фоизи қишлоқ хўжалиги, 17,1 фоизи саноат, 4,5 фоизи қурилиш ва 14 фоизи бошқа соҳалар хиссасига тўғри келади. Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган ялпи ички маҳсулотнинг 53,7 фоизи деҳқончиликдан, 43,3 фоизи чорвачиликдан олинади.


Мамлакатимизнинг қулай табиий-иқлимий шароити ҳамда унумдор водий ва воҳалари қадимдан деҳқончилик қилиш учун қулай имконият яратган.

Ўзбекистонда пахта экин майдонлари ва пахта ҳосили етиштиришнинг тадрижий ўсиши(1890-2011й).

Йиллар	Экин майдони, минг га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи ҳосил, минг т.
1890	100	-	-
1900	244,4	9,0	220,0
1910	278,5	14,0	390,0
1922	53	7,3	39,0
1930	883,8	8,4	744,3
1940	923,5	15,0	1385,9
1950	1098,1	20,3	2225,6
1960	1386,6	20,4	2823,5
1970	1709,2	26,3	4495,2
1980	1977,7	29,3	5578,7
1990	1830,1	27,6	5058,0
2000	1444,5	20,7	3002,0
2010	1342,5	25,4	3535,4

3.4-расм

Ўзбекистонда пахта экин майдонлари ва пахта ҳосили етиштиришнинг тадрижий ўсиши (1890-2011й).



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Республика ҳудудида қуёшли кунлар узоқ давом этганлиги учун айрим қишлоқ хўжалик экинларидан йилига 2-3 марта ҳосил йиғиштириб олиш, вегетация даври узоқ давом этадиган иссиқсевар ўсимликларни етиштириш имконияти мавжуд.

Республикада 4,0 млн гектар ҳайдаладиган ерлар бўлиб, шундан 3,7 млн гектарида суғориб деҳқончилик қилинади. Пахта асосан суғориладиган ерларда етиштирилади. Жами суғориладиган ерларнинг 1,6 млн гектарига ғалла, 1,3 млн гектардан ортиқроғига пахта, қолган 1,2 млн гектарига мева, сабзавот, ем-хашак ва бошқа экинлар экилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси пахта хом-ашёси ишлаб чиқариш бўйича дунёда Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон ва Бразилия давлатларидан сўнг олтинчи ўринда, толани экспорт қилиш бўйича эса АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Ҳар йили жаҳон бўйича ишлаб чиқариладиган 20-22 млн тонна пахтанинг 1,1 млн тоннаси Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади.

Мамлакатимизда ҳар йили 1,3-1,4 минг гектар ерга пахта экилиб, 3,4-3,5 минг тонна ялпи ҳосил йиғиб олинади.


Ҳозирги кунда пахтачилик тармоғини ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилмоқда ва бу кейинги йилларда ўз самарасини бермоқда. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки 5-6 йилида ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб борган бўлса, 2000 йилда 1991 йилдаги даражага етди. Ҳозирги кунда бу кўрсаткичнинг йилига 5-7 фоиз ўсиш даражасига эришилмоқда. Бу ўринда қуйидаги жадвални таҳлил қилиш ўринлидир (3-жадвал).

Ушбу жадвал ва график маълумотларидан мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги сўнгги ўн йилликда (2000-2010йй.) пахта экин майдонлари ва ялпи ҳосилнинг ўсишини ҳамда тола экспорти динамикасини кўриш мумкин. Жадвални таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

Ўзбекистонда пахта экин майдонлари ва пахта ҳосили етиштиришнинг тадрижий ўсиши(1890-2010йй).

Йиллар	Экин майдони, минг га	Ялпи ҳосил, минг т.	Пахта толаси экспорти %да
2000	1444,5	3002,4	27,5
2001	1452,1	3264,6	22,0
2002	1421,0	3122,4	22,4
2003	1393,0	2803,3	19,8
2004	1456,3	3536,8	18,1
2005	1472,3	3728,4	19,1
2006	1448,2	3600,6	17,2
2007	1451,3	3683,4	12,5
2008	1425,1	3400,5	9,3
2009	1347,0	3401,9	8,6
2010	1342,5	3535,4	12,1

Ўзбекистонда пахта экин майдонлари ва пахта ҳосили етиштиришнинг 2000-2010 йиллардаги тадрижий ўсиши.



- Пахта экин майдонлари 2000 йили 1444,5 минг га ни ташкил этган. Экин майдони 2008 йилдан бошлаб пасайиб борган ва 2010 йили бу кўрсаткич 1342,5 минг га тушиб қолган, яъни 102 минг гектарга камайган;
- Пахта ялпи ҳосили 2000 йили 3002,4 минг тоннани ташкил этган ҳолда, 2003 йили 2803,3 минг т пахта ҳосили йиғиштириб олинган. 2004 йилдан бошлаб, ялпи ҳосил ортиб борганини кўриш мумкин. 2010 йили бу кўрсаткич 3535,4 минг тоннага етиб, 2000 йилга нисбатан 533 минг тоннага ортган.
- 2008 йилдан бошлаб, пахта экин майдонлари қисқариши билан бир вақтда пахта ялпи ҳосили ортиб борган. Бу эса мамлакатимизда пахтачиликни интенсивлаштириш бўйича олиб борилаётган янгича сиёсатнинг маҳсулидир.

Мамлакатда корхоналар собиқ Иттифоқ вақтида асосан давлат ва коллектив мулки шаклида бўлган бўлса мустақилликка эришилгандан сўнг хусусий мулкка айлантирилди. Жумладан, бутун қишлоқ хўжалигида етиштирилган ялпи маҳсулотнинг 99 фоиз фермер ва деҳқон хўжаликлари хиссасига тўғри келмоқда. Мустақиллик давригача мамлакатда биронта ҳам фермер хўжаликлари мавжуд бўлмаган улса, ҳозирги кунда 200 мингга яқин фермер хўжаликлари 1,5 млн гектар ерга эгалик қилиб иш юритишмоқда, уларнинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам йилдан-йилга кўтарилиб бормоқда.

Бозор муносабатлари шароитида пахтачиликни ривожлантиришнинг яна бир йўли иқтисодиётга чет эл сармоясини жалб қилишдир. Бу борада ҳукумат барча ҳуқуқий имкониятларни яратмоқда ва қўллаб қуватламоқда. Ўтган асрнинг 90-йилларида чет эл инвестицияси жами инвестициянинг 4-5 фоизидан ошмаган бўлса, жорий йилга келиб бу кўрсаткич 34,5 фоизга етди ёки 596 млн. АҚШ доллариға тенг бўлди. Иқтисодиётга чет эл инвестициясининг кўп миқдорда жалб қилиниши мамлакат иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ривожланишига, янги корхоналар ва иш жойларини

вужудга келишига замин яратади. Энг муҳими мамлакатга замонавий фан-техника янгиликларини кириб келишига имконият берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти томонидан иқтисодиёти жадал ривожланиб бораётган давлатлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Дунёда 2007 йилнинг иккинчи ярмидан буён глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётган бир пайтда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари йилига ўртача 8,2 фоизни ташкил этаётгани ҳам миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ҳамда улкан салоҳиятга эга эканидан далолат беради. Статистик маълумотлар ушбу ижобий тенденция жорий йилда ҳам сақланиб қолишини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишда пахтачилик мажмуасининг аҳамияти улкан. Мамлакатимизда жаҳоннинг энг юксак талабларига жавоб берадиган пахта толасини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича ташкил этилган замонавий комплекс ҳам жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Соҳада чуқур таркибий ислохотларнинг амалга оширилиши, барча бўғинларнинг тизимли равишда модернизация қилиниши, техник ва технологик қайта жиҳозланаётгани, тегишли инфратузилманинг жадал ривожланаётгани, шунингдек, замонавий бозор механизмларининг кенг жорий этилаётгани сабабли ушбу комплекс фаолиятининг самарадорлиги юксалмоқда. Бу эса сарфланаётган маблағлардан самарали фойдаланиш даражасини оширмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” бу борадаги жараённи янада кучайтириш учун янги, янада кенг имкониятлар очиб бермоқда. Ушбу дастурий ҳужжатга мувофиқ, иқтисодиётни эркинлаштиришни жадаллаштиришга қаратилган қонунчилик базаси такомиллаштирилмоқда, иқтисодиётимиз, шу жумладан, пахта толасини етиштириш ҳамда

тўқимачилик каби муҳим тармоқлар рақобатбардошлигини янада оширишга доир аниқ мақсадли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Энг юқори стандартларга мос ўзбек пахта толасига жаҳон бозорида талаб ортиб борапти. Ўзбекистонда бундай сифатли пахтани етиштиришда, биринчи навбатда, меҳнатсевар деҳқон ва фермерларимизнинг хизмати каттадир. Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва янада кенгайтириш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Фермер хўжаликларини имтиёзли кредитлар билан таъминлаш тизими ташкил этилиб, мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Улар энг сара уруғлик, қишлоқ хўжалик техникаси, ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминланмоқда, давлат буюртмаси доирасида ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг харид нархлари ошиб бораётир.

Пахта тозалаш саноати ҳам жадаллик билан модернизация қилинмоқда, ишлаб чиқаришга энг замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги барча пахта тозалаш заводлари реконструкция ва модернизация қилинди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 22 фоиздан ошди, тола сифати ҳам ортди.

Бугун мамлакатимизда 2,2 мингдан ортиқ енгил саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 280 дан ортиғи «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига киради. Шу билан бирга, қўшма корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. 2015 йилга мўлжалланган енгил саноатни ривожлантириш дастурига мувофиқ соҳага энг замонавий технологиялар жорий этилмоқда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ҳар йили йигирмадан ортиқ турга кўпаймоқда. Бугун Ўзбекистонда тайёрланаётган тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг қирқдан зиёд давлатига экспорт қилинмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунё бозорида сотиладиган толанинг 9,2 фоизини етказиб бериб, АҚШдан сўнг иккинчи ўринни эгаллаган ҳолда, бу

борада Австралия (7,87%) тўртинчи, Бразилия (6,17%) бешинчи, Туркменистон (2,88) олтинчи ва Греция (1,96%) еттинчи ўринни эгаллайди.

Собиқ Иттифокда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган жами пахта толасининг 70 фоизи Марказнинг ички эҳтиёжлар учун сарфланар эди.

Агар ўтган асрнинг 90-йилларида пахта толасининг атиги 7 фоизи мамлакат ҳудудида қайта ишланган бўлса, бугунги кунга келиб, бу рақам 35 фоиздан ошиб кетди.

3.6-расм

Ўзбекистонда пахта толаси экспорти динамикаси (фоиз ҳисобида)



Пахта толаси экспорти 2000 йили жами экспорт маҳсулотининг 27,5%ини ташкил этган бўлса, 2008 йили 9,3%ни, 2009 йили 8,6%ни, 2010 йили эса 12,1%ни ташкил этган. Бу эса ишлаб чиқарилган пахтанинг катта қисми мамлакатимиз саноат корхоналарида қайта ишланаётганлигидан далолат беради.

Хом ашё таркибидан пахта толасининг чиқиши 1990 йилда 30,79 фоиз бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 33,12 фоизни ташкил этди, толанинг сифати сезиларли даражада яхшиланди. Илгари толанинг салкам 81,6 фоизи 5, қолган қисми 4-типга жавоб берган бўлса, бугунги кунда эса 83,9 фоизи 4, 15,9 фоизи 5-тип талабига жавоб бермокда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар туфайли, пахтачилик соҳаси ривожланиб, хом ашёни чуқур қайта ишлаш, экспортбоп саноат маҳсулотлари тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш, ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришга жиддий эътибор қаратилди. Ўзбек пахта толасининг экспорт бозори географияси тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон пахтасига жаҳон бозорида талаб катта эканлигини таклиф этилаётган ҳажми тўла харид қилинаётганлигидан ҳам билиш мумкин. Бунинг натижасини ўтган йилнинг 12–13 октябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган мазкур ярмаркада дунёнинг 38 мамлакатидан 330га яқин компания вакили бўлган 660 нафардан зиёд хорижий ҳамкорлар иштирок этди. Хорижлик ҳамкорлар нафақат ўзбек толасини тўғридан-тўғри харид қилиш, балки иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидаги янгиланишлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Таклиф этилган 600 минг тоннадан зиёд толани харид қилиш бўйича шартномалар имзоланди. Тўқимачилик корхоналари маҳсулотлари экспорти бўйича тузилган шартномаларнинг умумий қиймати 550 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

ХУЛОСА.

1. Пахтачиликнинг хўжаликдаги аҳамияти жуда катта бўлиб, жаҳон хўжалигида пахта толасидан кенг миқёсда, турли мақсадларда фойдаланилади. Ёўза қисмларидан биронтаси ҳам чиқитга чиқарилмайди. Унинг баргидан тортиб, пояси ва ҳатто илдизидан ҳам саноатда фойдаланиш мумкин.
2. Ёўза ўсимлиги Ер шарининг тропик, субтропик ва мўътадил иқлим минтақаларининг иссиқ иқлимли ҳудудларида экиладиган маданий ўсимлик. Бу ҳудудлар Ер шарининг кенглик йўналишидаги пахтачилик минтақасини ҳосил қилади. Унинг шимолий чегараси АҚШда 38⁰ шимолий кенгликкача, Ўзбекистон Республикасида 43⁰ шимолий кенгликларда, Хитой Халқ Республикасида 44⁰ шимолий кенгликларда, жанубий чегараси эса Австралияда 35⁰ жанубий кенгликларда жойлашган.
3. Ер юзида ёўзанинг 35 тури мавжуд бўлиб, улардан 5 тури маданий ҳисобланади, булар Мексика ёўзаси, Ҳинди-Хитой ёўзаси, Перу ёўзаси Африка-Осиё ёўзаси ва Вест-Индия (уч тишчали) ёўзасидир. Жаҳонда энг кенг тарқалган маданий тур мексика ёўзаси бўлиб, Ер юзида етиштириладиган пахта толасининг тахминан 70%и шу турдан олинади.
4. Ҳозирги кунда дунёнинг 84 мамлакатада ёўза ўстирилади, жумладан, Шимолий ва Жанубий Америкада 20та, Осиё ва Океанияда 28та, Африкада 31та, Европада 4та мамлакат ҳамда Австралия Иттифоқи пахта етиштириш билан шуғулланади.
5. Жаҳон мамлакатлари ичида пахтачилик билан кенг миқёсда шуғилланувчи мамлакатлар асосан 8 та бўлиб, улар –Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Бразилия, Ўзбекистон, Туркия, Австралия давлатларидир. Юқорида қайд этилган мамлакатлар жаҳон бўйича етиштирилаётган жами пахтанинг 80%дан ортиқроғини етказиб беради.

6. Ўзбекистонда пахтачилик қадимий тарихга эга бўлиб, мамлакатимиз ҳудудида бундан 2000 йил илгари ҳам пахтачилик билан шуғулланилган. Собиқ Иттифоқ даврида пахта якка ҳокимлиги шаклланиши, Ўрта Осиёда суғориладиган ерлар майдонининг кескин ортиб бориши ва сувдан нотўғри фойдаланиш Орол денгизининг куриши каби ўнглаб бўлмас экологик муаммоларни вужудга келишига сабаб бўлди.
7. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинган, пахта сиёсати тубдан ўзгарди. Пахта якка ҳокимлигига барҳам берилиб, экин майдонлари қисқартирилди. Пахтачилик билан бир қаторда ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик каби соҳаларни ҳам жадал ривожлантириш имкониятлари яратилди.
8. Ўтган асрнинг 90-йилларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган пахта толасининг атиги 7 фоизи мамлакат ҳудудида қайта ишланган бўлса, бугунги кунга келиб, бу кўрсаткич 35 фоизни ташкил этмоқда. Ўзбекистон дунё бозорида сотиладиган толанинг 9,2 фоизини етказиб бериб, АҚШдан сўнг иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 72 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2–жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
3. Абдуллаев А. Пахта яккахокимлиги: оқибат ва сабоқлари (1917–1991 йй.) – Тошкент: Истиқлол, 2006. – 136 б.
4. Абдуганиев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти/ўқув қўлланма. Т.,ТДИУ, 2004.
5. Жўрақулов Б. Ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси, Тошкент 1994.
6. Зиёвуддинов Ш. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти/ўқув қўлланма. Т.,ТДИУ, 2004.
7. Зокиров О., Пардаев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти.-Тошкент: ЎАЖБНТ маркази, 2003.
8. Муртазоев О. Пахтачилик мажмуаси самарадорлигининг методологик масалалари/ўқув қўлланма. Т., ТДИУ, 2009.
9. Мусаев. Н. Ўрта Осиё деҳқончилик маданияти ва аграр муносабатлар тарихидан (Тош даври охирларидан – XX аср бошларига қадар) – Тошкент: Фан, 2005. –235 б.
- 10.Орипов Р., Остонов С. Ғўза устириш технологияси, Самарканд, 1999.
- 11.Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917–1924 й.й.). ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет, 2002. –167 б
12. Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. 302 б.
13. Солиев А. ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт. Тошкент: Университет, 2000.
14. Хасанов А, Эгамбердиев С. Пахтачилик/дарслик. Тошкен, 2002.
- 15.Қаюмов А., Қодиров Р. Қишлоқ хўжалиги географияси ва иқтисодиёти/ўқув қўлланма. Андижон, 2009.

- 16.Тарих – шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустанлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Тошкент: Шарқ, 2001. –464 б.
- 17.Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. Тошкент, 2012й.
- 18.Ўзбекистон тарихи/олий ўқув юртларининг номутахассислик факультетлари талабалари учун дарслик. – Тошкент: ЎАЖБНТ маркази, 2003. –775 б.
- 19.Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустанлачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. –688 б

Интернет ресурслари

- 1.<http://book.inf.uz>
- 2.<http://www.twirpx.com/files/common/geography/dictionaries/>
- 3.<http://www.twirpx.com/files/common/geography/refs/>
- 4.<http://www.twirpx.com/files/common/geography/course/>
- 5.<http://webcache.googleusercontent.com/search/>
- 6.www.fas.usda.gov/cots/cotton.

ИЛОВАЛАР